

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

БИЗ – ЯГОНА ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Вилоят ҳокимлиги, республика Байналми-нал маданият маркази, Дин ишлари бўйича қўмита ва республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамкорли-гида вилоят "Маънавият ва маърифат маркази"-да "Соғлом бола тарбия-сида миллий қадрият-ларнинг ўрни" мавзuida илмий-амалий семинар ўтказилди.

Тадбир "Биз – ягона оила фарзандларимиз" номи миллий кўргазма намоиши билан бошлан-ди. Кўргазмада миллий кийимлар, уй-рўзгор ан-жомлари, тарихий аҳа-миятга эга буюмлар, шу-нингдек, турли миллий таом ва пишиқлар на-мойиш этилди.

Семинар сўнггида "Биз сенинг фарзандларинг-миз, Ўзбекистон" номи бадиий дастур намоиш этилди. Унда рус, корейс, озарбайжон, қозоқ, ук-раин, татар, уйғур миллий маданият марказлари ва-киллари қўшиқ ва ракс-лар ижро этишди. Турли ижодий гуруҳ ва фольк-лор дасталарининг бади-ий чиқишлари ташкил этилди.

Семинарда вилоят ҳо-кими ўринбосари Али-мардон Қаршиев иштирок этди.

Шунингдек, Юқори Чирчиқ ва Янгийўл туман-ларида ҳам шу мавзуда семинарлар ўтказилди.

Матлуба ЕУЛОМОВА.
Азамат АХМЕДОВ
олган сурат.



Фармон ва ижро

Зангиоталик Умида Эшонқулова уй-рўзгор ишлари ва фар-зана тарбиясидан ажралмаган ҳолда меҳнат қилиб, даромад-ли бўлишни истарди. Излаган имкон топар деганларидек, Уми-данинг хоҳиши тез орада ижобат бўлди – "Man joy toys" масъулияти чекланган жамияти касаначилари сафига қўшил-ди. Айни пайтда у оиласи даромади янада ортишига муносиб ҳисса қўшаётир.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ



Президентимиз Ислам Кари-мов раҳнамолигида аҳоли бан-длагини таъминлаш, турмуш фар-оволигини янада юксалтириш мақсадида амалга оширилаёт-ган ишлар доирасида уй меҳна-тининг барча шакллари, жумла-дан, касаначиликни ривожланти-ришга алоҳида эътибор қаратил-моқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йи-рик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперация-ни кенгайтиришни рағбатланти-риш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Вилоят меҳнат ва аҳолини иж-тимоий муҳофаза қилиш бош-қармасидан маълум қилишлари-ча, жорий йилда уч юздан ортиқ корхонада касаначилик асосида 4 мингга яқин иш ўрни яратил-ган.

– Бекобод шаҳри, Бўстонлик, Зангиота, Янгийўл ва Қибрай ту-манларидаги саноат корхонала-рининг ҳар бирида 15 нафардан зиёд касаначи меҳнат қилмоқда, – дейди вилоят меҳнат ва аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш

бошқармаси бошлиғи Фахриддин Сунонов. – Улар иш кийимлари-ти, маҳсулот саралаш, ўраш, қўтиларга жойлаш, турли истеъм-ол товарлари ишлаб чиқариш, қандолатчилик, пазандалик каби хизмат турларига жалб этилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида Зангиота туманидаги Йигирмага яқин корхона ва ташкилотга 400 дан кўпроқ фуқаро касаначилик асосида ишга қабул қилинган. Унинг ўн нафарга яқини "Man joy toys" билан тузилган шартнома асосида фаолият юритмоқда.

– Ҳозир уйда турли ўйинчоқ-ларни йиғиш ва безаш билан шу-ғулланмоқдаман, – дейди касана-чи Умида Эшонқулова. – Бажари-лиши керак бўлган ишни корхона вакиллари уйимизга етказиб бериши, тайёр маҳсулотни олиб кетиши вақт ҳамда нақдини те-жаш имконини бермоқда. Аввал-лари иш ва оила юмушларини бирдек эплаётган аёлларга хавас қилардим. Мақсадимга етдим. Бундан мамнунман.

"Man joy toys"да 70 хил пласт-тик ва юмшоқ ўйинчоқлар тайёр-ланиб, харидорларга пешма-пеш етказиб берилаётир.

Бекзод ХИДОЯТОВ,
Уза муҳбири.

Маънавият

КОНСТИТУЦИЯ – ФАХРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ

Ҳар бир давлатнинг суверенитетини асослаб берадиган бош ҳуқуқий ҳужжат Конституциядир. Жаҳон давлатчилиги тарихи кўрсатганидек, ҳар қандай жамият ўзига хос тараққиёт тамойилларини иш-лаб чиқади, уни амалга ошириш чорала-рини кўради, истиқболлини белгилаб бера-диган ҳуқуқий асосни яратди. Шу нукта

Конституция тушунчасида давлат мустақиллигини қафо-латлаш, суверенитетини эътироф этиш, уни бошқа-риш, мамлакат яхлитлигини таъминлаш, давлат ички ва ташқи сиёсати ҳамда иж-тимоий ҳаётнинг барча соҳала-рини ривожлантириш тамо-йиллари ўз ифодасини топ-ган.

Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси мам-лакат тараққиётининг ҳуқуқий асоси, тарихан таркиб топ-ган миллий анъаналар, урф-одатлар, маданий қадрият-лар асосида юзага келган асосий қонун ҳисобланади.

Конституциянинг қабул қилиниши мамлакатда де-мократик ҳуқуқий давлат бар-по этиш, замонавий цивили-зациянинг илғор ютуқлари ва тараққиётнинг миллий тажрибалари уйғунлашган, Ўзбекистон фуқароларининг

интеллектуал салоҳияти, бун-ёдкорлик, яратувчилик қоби-лияти ва соғлом тафаккур тарзи асосида адолатли фу-қаролик жамиятини ривож-лантириш имконини берди. Шунингдек, кўп миллатли ва кўп этник мамлакатда миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ижтимоий бирдамлик, умумий манфа-ат атрофида бирлашиш та-мойилларини қонун билан қафолатлади. У бутунлай янги тарихий шароитларда вужудга келган ўзбек мил-лий давлатчилигининг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қиладиган қонунлар тизимини яратишда асосий манбадир.

Жаҳон конституциявий та-раққиёти тажрибалари ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қиёсий ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

назардан қараганда, мустақиллик йилла-рида давлатимиз, жамиятимиз эришган энг катта ютуқ – Ўзбекистон Республика-си Конституцияси бўлди. Шунингдек, таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Кон-ституцияси ҳамдўстлик мамлакатлари ора-сида биринчи бўлиб, мустақиллигининг бор-йўғи ўн беш ойн ичида қабул қилинди.

Аввало, у мамлакатда ҳу-қуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг умум-жаҳон тамойилларига тўла мос келади. Шунингдек, жа-ҳондаги ҳозирги замон кон-ституциявий тажрибаси та-лабларига тўла ҳамоҳанг. Унда халқимизнинг дунёқа-раши, мақсадлари, инти-лишлари мамлакатда яшаёт-ган барча халқлар манфаат-лари билан мос келадиган ҳолда ўз ифодасини топган. Олий даражадаги ҳуқуқий ҳужжат сифатида қомусий мақомга эгаллиги билан аж-ралиб туриши жиҳатидан у қонунлар манбаи, жамият та-раққиётининг ҳуқуқий таян-чи, фуқаролар қадр-қимма-тини, ҳуқуқ ва эркинликларини, бурчи ва масъулиятини ўзида ифода этган Асосий қонундир.

(Давоми 2-бетда).

БОШ ҚОМУС САБОҚЛАРИ

Ангрен шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан "Ка-молот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаол йигит-қизлари иштирокида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий қафолати" мавзuida маънавий-маърифий учра-шув бўлиб ўтди.



Учрашувда республика Маънавият тарғибот марка-зи ва ёшлар ҳаракати вило-ят кенгаши вакиллари Бош қомусимизда ёшларни қўла-қувватлашга доир мод-далар ҳақида батафсил ту-

шунчалар беришди. Тадбир давомида "Ҳо-ким ва ёшлар" учрашуви ҳам ташкил этилиб, фикр алмашинди. Ёшлар бил-дирган тақлиф, мулоҳаза ва ташаббуслар атрофли-ча муҳокама қилинди. Учрашув якунида мавзу доирасида шахсий фикр-му-лоҳазалари билан фаол иш-тирок этган ёшлар "Қамолот кутубхонаси"нинг бадиий адабиётлари билан тақдир-ланди.

Саид АКБАРОВ.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари



● Сайловолди дас-туридаги парламен-таризмни янада ри-вожлантириш, мам-лакатни модерниз-ация қилишнинг энг муҳим масалалари-ни ҳал этишда ҳоки-мият вакиллик ор-ганлари ролини ку-чайтириш, марказий давлат органлари-дан қатор функция ва ваколатларни ма-ҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ту-зилмаларига изчил, босқичма-босқич ўтказиб бориш учун ҳаракат қилиш, ижро ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва унинг фуқаролар олдида ҳисоб бериб бо-ришини кучайтириш каби муҳим ижти-моий-иқтисодий чора-тадбирларни амал-га ошириш масалалари бугунги кун та-лабига мос ҳаётий вазифалар эканлиги билан аҳамиятли.



● Мамлака-тимизда жис-моний соғлом, маънавий етук, мустақил фикр-лайдиган, ин-теллектуал са-лоҳият, чуқур билим ва замо-навий дунёқа-рашга эга, Ватанимизнинг тақдир-и ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг қўламдаги комплекс чора-тадбирлар-ни амалга ошириш, давлат ва жа-миятнинг барча куч ва имкониятла-рини шу йўлда сафарбар этиш бўйича саъй-ҳаракатларни янги бос-қичга кўтариш – олдимизда турган муҳим вазифа ҳисобланади.

(Партияларнинг ташвиқот материалларини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).



САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мустақиллик йилларида сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланди. Сайлов қончилигида сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларни яна-да мустаҳкамлашга эътибор қаратилди. Айниқ-са, республика Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлашти-риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида сайлов қончили-гини такомиллаштиришга қаратилган, хусусан, сайловолди ташвиқотида доир нормалар тақ-лиф этилди. Шундан келиб чиқиб, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғри-сида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, ту-ман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғриси-да"ги Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшим-чалар киритилди. Бу сайлов қончилигини янада такомиллаштиришнинг навбатдаги бос-қичи бўлди.

Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Ма-жлисида сайлов тўғ-рисида"ги Қонун сайлов қончилиги такомил-лаштирилиши муносаба-ти билан бевосита сай-ловолди ташвиқоти, унинг турлари, шакллари ва усулларини кўрсатиб берувчи ҳамда "Халқ де-путатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонун тегишли моддалар билан тўлдирилди.

Сайловолди ташвиқо-ти билан боғлиқ норма-ларнинг ҳуқуқий жиҳат-дан мустаҳкамлаши сиёсий курашнинг адо-латли, ҳолисона, очиқ ва ошқора олиб борилиши учун барча номзодларга тенг имконият ва қафо-латлар яратиш орқали сиёсий плюрализм, яъни фикрлар эркинли-ги ва хилма-хиллиги асо-сидаги соғлом рақобат-ни таъминлашга хизмат қиладиган вақолатли интилиши сабаб бўлган. Бугунги кунда сайловол-ди ташвиқоти барча де-мократик давлатларда эътибор бериладиган сайлов кампаниясининг узвий қисмидир.

"Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунлар-нинг тегишли моддала-рида сайловолди ташви-қотини олиб бориш тур-лари, шакллари ва усул-лари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мазкур мод-даларда депутатликка номзодлар, сиёсий пар-тиялар сайловолди таш-виқотини олиб бориш-нинг қонун ҳужжатлари-да тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларидан фойдалани-ши мумкинлиги ҳам қайд этилган.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ТАКЛИФЛАРИМИЗ ҲАЁТИЙ,
ВАЗИФАЛАРИМИЗ АНИҚ

Истиқлол йилларида халқ вакиллари бўлиш депутатларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари қонуний жиҳатдан янада мустаҳкамланиб, сайловчиларнинг таклиф ва тавсияларини амалга оширишлари учун ҳуқуқий кафолатлари кенгайтирилди. "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" доирасида қабул қилинган қатор қонунлар-

да Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринини эгаллаган сиёсий партияга Бош вазир номзоди бўйича таклиф киритиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан ҳукумат раҳбари ҳисоботларини тинглаш ҳуқуқи берилгани ва бошқа қатор муҳим янгилликлар киритилгани партиялар зиммасига янада жиддий масъулият юклайди.



Бугун биз муҳим тарихий даврда — халқимиз эзгу ва улуг мақсадларни кўзлаб, тинч-осойишта ҳаёт кечириётган, куч ва имкониётларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида салмоқли натижаларни кўлга киритаётган бир пайтда яшамокдамыз. Давлат сиёсатининг

асосий йўналишларидан бири ёшларимизни ҳеч қандай кам бўлмаган барқамол авлод қилиб тарбиялаш, маънавиятини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим-тарбия олиши ва саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ғамхўрлик кўрсатишга қаратилгандир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти "...биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажига дахлдор бундай улкан масъулиятни ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир". Шу ўринда таъкидлаш жоизки, партияимизнинг сайловолди платформасида мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилишга оид қонунларни янада такомиллаштириш, хусусий мулк устуворлиги ва ҳимоясини кучайтиришга ҳисса қўиш сингари долзарб вазифалар киритилган. Чунки мулк шаклининг хилма-хиллиги иқтисодий тараққиётни таъминловчи асосий омил ҳамда иқтисодий эркинликнинг кафолатидир.

Ҳар бир мамлакатнинг дунёдаги макъеи унинг иқтисодий салоҳияти, аҳолисининг турмуш даражасига қараб белгиланади. Шунинг назарда тутиб, партияимиз сайловолди платформасида мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ҳўжалик субъектлари ва аҳоли учун солиқ юкини янада енгиллаштириш, мўтадил пул-кредит сиёсатини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратган. Иқтисодиёт тармоқларини экспортга йўналтиришни кучайтириш, қўлай молиявий-иқтисодий ва боғхона шароитларини яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам

доимий диққат марказимизда.

Ўрта синфни қўллаб-қувватлаш ва хусусий секторни ривожлантиришга доир қонунлар, Президентимизнинг қўллаб-қувватлаш қарорлари, махсус давлат дастурлари асосида янги иш ўринларини ташкил этишга устуворлик берилмоқда. Буни ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг асосий қисми айнан хусусий секторга, иқтисодиёт тармоқларида, ишлаётган аҳолининг 75 фоиздан зиёди эса кичик бизнес улушига тўғри келишида ҳам кўриш мумкин.

Партияимизнинг сайловолди платформасида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр соҳани изчил ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга оид вазифалар ҳам аниқ белгилаб олинган. Хусусан, партия юқори даражада келтирадиган озиқ-овқат экинлари майдонини кенгайтириш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ ҳўжалигини янада диверсификация қилишга фаол иштирок этишни кўзламоқда.

Сайловолди дастуриимизда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида белгилаб олинган вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Парламентаризмни янада ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишда ҳокимият вакиллик органлари ролини кучайтириш, марказий дав-

лат органларидан қатор вазифа ва ваколатларни маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат тузилмаларига изчил, босқичма-босқич ўтказиб беришга ҳаракат қилиш, фуқаролик жамияти институтларининг қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиши, ижро ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва унинг фуқаролар олдида ҳисоб бериб боришини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш аниқ биринчи кун талабига мос ҳаётий вазифалар экани билан аҳамиятли.

Мухтасар айтганда, биз халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, давлатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш билан бирга, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга оид аниқ чора-тадбирлардан иборат таклифлар билан чиқмоқдамыз. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзодларига овоз бериб, эзгу мақсадларимизни амалга оширишга ҳисса қўишинизга ишонамиз.

Муҳаббат Тўхтаева,
Атхам НАЗИРҚУЛОВ,
Расул КУШЕРБОВЕ,
Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар.

ЁШ АВЛОДГА ҒАМХЎРЛИК —
БОШ МАҚСАДИМИЗ

"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун ёш авлодга оид сиёсатни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. Муҳими, унда ушбу сиёсатнинг мақсад ва вазифалари қатъий белгилаб қўйилди. Мустақилликда кечган йилларда мамлакатимизда демократик тамойиллар қарор топиши билан бирга ёшларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган қонун ҳужжатлари тизими шакллантирилди. Конституция ва қонунлар, республика Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Давлат дастурлари каби 150 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, булар ёшлар масаласида давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлانганидан далолатидир.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёди ёшлардир. Шунинг учун барча ижобий ўзгаришлар замирида давр талабига мос касб-хунарларни эгаллаган, аниқ пайтда, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек эзгу мақсад муҳассам экани табиийдир. Шу ўринда ёшлар билан ишлашда нафақат давлат муассасалари, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам фаол иштирок этаётганини қайд этиш жоиз. Мустақиллик йилларида "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Ёшлар йили", "Барқамол авлод йили" Давлат дастурлари самарали амалга оширилди. Хусусан,

жорий йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилинган ҳам мазкур ёшларнинг изчилигидан далолат беради.

Мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига қаратилган ислохотларнинг мантиқий ва узвий давомий сифатида бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди. Қолаверса, йигит-қизлар қобилиятини тўла рўбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, турли маънавий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантиришда муҳим омил бўлаётди.

Ёшлар таълим-тарбиясига оид ишлар самарадорлигини кучайтириш, уларни ушбу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнига кенг жалб этиш мамлакатимиздаги бўлиб сиёсий қучлардан бири, ўзини ижтимоий демократия тамойиллари, қонун устуворлиги тарафдори деб билган, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жиқслашган жамиятни шакллантириш жараёнидаги ўз ролини кучайтиришни мақсад қилган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг асосий вазифалари сирасига кириди. Бу мақсадларга эришишда, партия албатта, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик тизимини ривожлантиришга, партия мафқурасини қабул қилган сиёсий етук ёшлар авлодининг шакллани-

шига қўмаклашишга катта эътибор қаратмоқда.

Зеро, партия дастури ва сайловолди платформасида мамлакатимиз келажига соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида экани, дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган шароитда уларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш зарурлигини ёддан чиқармаслик, барқамол авлоднинг тарбиялашга муносиб ҳисса қўиш партиянинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири экани таъкидланган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама барқамол ривожланган, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Батаминимизнинг тақдири ва келажига учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш авлоднинг тарбиялаб, воғда етказиш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ҳамда имкониятларини шу мақсадларга сафарбар этиш саъй-ҳаракатларини янги босқичга қўтариш олдимизда турган муҳим вазифа ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳўкм сурётган тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт барча мақсадларимизни рўбга чиқаришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Киёфот ЭМУХАМЕДОВА,
Дилором АБДУҒАФФОРОВА,
Абдуҷалил АБДУҚОДИРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод.



БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАМАН

дейди **Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Темур Турсунбоев**

Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 80-Бўстонлик сайлов округида илк бор овоз берувчилар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Худуддаги 146,1 минг сайловчидан 300 дан зиёди биринчи марта овоз беради, — дейди туман сайлов комиссияси раиси Ҳикматилла

Султонов. — Давра суҳбатига ёш сайловчилар мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, бу йилги сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнилари билан таништирилди.

Маълумотларга кўра, округдаги сайлов участкаларида сайловчиларни рўйхатга олиш, уларни аниқлаштириш жараёни

туғаллиниш арафасида. Тўртта партиядан кўрсатилган номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари билан тенглик асосида учрашувлар ўтказилмоқда.

Бўстонликлик Роза Абдиева ҳам илк бор сайлаш ҳуқуқидан фойдаланётганидан хурсанд.

Хуршида НАЗАРОВА,
Даврон АХМАД
олган сурат.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ташвиқот давомида номзодларнинг қандай усул ва воситалардан фойдаланишларини аниқ белгилаш, сайловолди ташвиқоти давомида нималар мумкин-у, қандай ҳаракат мумкин эмаслигига ҳуқуқий нормалар асосида аниқлик киритилиши, биринчидан, турли баҳсли ҳаракатлар олдини олишга, иккинчидан, сайловларнинг адолатли

ўтишига хизмат қилади. Қолаверса, сайлов жараёнида оид миллий қонунчилигимизни янада демократлаштиришга ҳисса қўшади.

Мазкур янги ҳуқуқий таъминилларнинг жорий этилиши авваламбор, партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакли ва усуллари тобора хилма-хил ва кенг тус олаётгани билан изоҳланади. Бу каби янги қондалар

сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичи жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш тамойилларининг самарадорлигини оширади.

Бахриддин ХОЛБЎТАЕВ,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят худудий бўлинимаси раҳбари ўринбосари.

Конституциянинг аҳамияти кўп миллатли ва кўп этник мамлакатда жамият яхлитлиги, барқарорлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдаги амалий таъсири ва шу билан бирга ўзаро келишув, фикрлар, ғоялар, қарашлар ва эътиқодлар хилма-хиллиги шароитида бир-бирини тушуниш ва ўзаро ҳурмат тамойиллари чуқурлаштирилгандадир. Унинг қудрати ва жамият тараққиётидаги таъсири бевосита қонун устуворлиги ва қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлашдаги рол билан белгиланади. Энг муҳими, Конституция миллати, элати, диний эътиқоди, касб-кори ва маълумотидан қатъи назар, тушунарли, содда ва раван тилда ёзилган ва барча фуқароларнинг қарашларини, мақсадларини ўзида ифодалагани билан алоҳида қимматлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, замонавий конституционализм ютуқлари ва конституциявий ривожланиш тамойилларининг жаҳон тажрибаси назарий ва амалий жиҳатдан қиёсий ўрганилган, ривожланган мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунчилик (Давом. Боши 1-бетда).

соҳасида қўлга киритган ютуқлари халқаро ҳуқуқий меъёрий ҳужжат билан солиштирилиб, энг мақбул вариант ишлаб чиқилган, ҳар қандай тоифа ва савиядаги аҳоли учун бирдай тушунарли бўлган халқчил, содда ва раван тилда яратилган.

орқали сиёсий бошқарувда тубдан янгиланиш рўй берганини конституциявий мақом билан қонунлаштириди. Масалан, ўтмиш манаунасидаги тузумдан воз кечган ҳолда, хусусий мулкни, иқтисодий эркинлик ва яқна тартибдаги тadbirkorликни кафолатлайди.

КОНСТИТУЦИЯ — ФАХРИМИЗ,
ИФТИХОРИМИЗ

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Конституциясида ҳозирги замон конституциявийлик илмининг энг сўнгги ғоялари муҳассам. Жумладан, АҚШ, Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Испания, Португалия, Греция, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Венгрия, Болгария давлатларининг конституциялари чуқур ўрганилган, қиёсий таҳлил этилган. Шунингдек, Соҳибқирон Амир Темурнинг "Темир тузуқлари"даги давлатни идора қилишга доир зарур қондалар эътиборга олинган.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги ва суверенитети

Демак, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмунан янги, принципал ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий хусусияти, уни ривожлантиришнинг асосий принциплари, давлат ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Конституция жаҳон сиёсий ҳаритасида янги суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганини қонуний тасдиқлаб берди.

Асосий Қонунимиз миллий манфаатларимиз, иттилошларимиз, қадриятларимиз ва мақсадларимизни ифода этган жиҳатлари билан Фарб ва Шарқ мамлакатлари илгор конституция-

вий тажрибаларига тўла мос келади.

Айни пайтда давлатимиз ички ва ташқи сиёсатини, жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш сингари маҳобатли тамойилларни амалга оширишда Конституциянинг сиёсий-ҳуқуқий аҳамияти тобора кучайиб бораётганлиги таъкидланади.

Унда жамият тараққиёти бевосита халқ турмуш тарзи, унинг бугуни, келажига, фаровон ҳаёти ва истиқболга, шунингдек, ҳар бир фуқароннинг тақдири ва унинг келажига билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топади. Жумладан, Президент И. А. Каримов:

"Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг гражданлик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўсмоқда. Биз коммунист мафқура асодратларидан, боқимандалик кайфиятидан, турли сохта қопиллардан тўла халос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларга эга, ҳаётга янги қарайдиган, собик мустабид

тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб воғда этаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган нафқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида халқ қиличига айланмоқда. Бизнинг энг катта бойлигимиз айнан ана шунда десам, адашмаган бўламан", дейди. Дарҳақиқат, ҳар қандай буюк сийлишлар, тараққиёт ҳодисаси фақат инсон орқали юзага келади. Демак, инсон давлат ва жамиятнинг муҳим таянчидир. Конституция эса фуқаро, жамият, давлат тушунчаларини ўзида муҳассам этган қадриятдир. Шулардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Конституция — ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ва яхлит жамиятнинг бугуни ва истиқболга кафолатидир;

Конституция — бу фуқаролик ва дахлдорлик ҳисси, жамият, халқ ва давлат олдидаги мажбурият ва масъулиятнинг ҳуқуқий асосидир;

Конституция — бу улуг давлатга эғалик, буюк тарихга ворислик каби беқиёс фахру ифтихор кафолатидир.

Нарзулла ЖўРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор.

Оққўрғон тумани ҳокимлиги, бандликка қўмаклашиш маркази ҳамда мавжуд бешта касб-хунар коллежлари маъмурияти ўзаро ҳамкорликда битирувчиларни иш билан таъминлаш юзасидан амалга ошираётган чора-тадбирлар яхши самара бермоқда.



УЛАР ИШЛИ БЎЛИШАПТИ

— Йил давомида беш марта меҳнат ярмаркаси ташкил этилди, — дейди туман бандликка қўмаклашиш маркази директори Лутфулла Абдураимов. — Албатта, бундай тадбирларда коллеж битирувчилари, ота-оналар, қолаверса, аҳолининг иш билан банд бўлмаган қатлами алоҳида қизиқиш билан қатнашмоқда. Айрим қорхона ва ташкилотларнинг квоталанган иш ўринлари билан қатнашаётгани яхши натижа берапти.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги фаоллари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, прокуратура, хотин-қизлар

қўмитаси ва бошқа ташкилотлар бандликка қўмаклашиш маркази билан бақамти иш олиб бораётди. Тумандаги аграрсоат ва тadbirkorлик касб-хунар коллежида ўтган навбатдаги "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркасида юздан зиёд қорхона ва ташкилот иштирок этди.

— "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси битирувчи ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди коллеж директори Зиёдулла Боймирзаев. — 2014-2015 йилларда коллежимизни 282 ўқувчи тамомлайди. Улар ҳозирданқ қорхона ва ташкилотлар билан у томонлама шартнома тузишапти.

Бугунги меҳнат ярмаркаси эса битирувчи ёшларимизнинг ўзлари танлаган касбига иштиёқини янада оширади, деб ўйлайман.

Бандликка қўмаклашиш марказига мурожаат қилган 69 ёш йигит-қизнинг 44 нафари иш ўринлари билан таъминланди. Уларнинг 29 нафари қизлардир. Аҳамиятли томони шундаки, касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларнинг 10 нафари худуддаги қорхона ва ташкилотларнинг квоталанган иш ўринлари учун ажратилган йўлланмаларига эга бўлишди.

Ашурали БОЙМУРОВ,
Ҳамид МУСОҚОВ
олган сурат.

**ВИЛОЯТДАГИ БАРЧА ЮРИДИК ВА
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

СНИ ПЕРВОЕ СЛУЖИЛИ.

